

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

**ФАРМАЦИЯ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ
МУТАХАССИСЛИК (КАСБ) ЛАРИНИНГ
МАЛАКА ТАЛАБИ**

ТОШКЕНТ 2020

СЎЗ БОШИ

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти томонидан **ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ ВА ТАСДИҚЛАШГА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ.**

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил ” ____ ” _____ даги _____ -сон йиғилишида маъқулланган ва Вазирликнинг 2020 йил ” ____ ” _____ даги _____ -сон буйруғи билан **ТАСДИҚЛАНДИ ВА ЖОРИЙ ЭТИЛДИ.**

Мазкур таълим стандартини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

1.	Қўлланиш соҳаси	4
2.	Касбий таълим хусусияти	4
3.	Битирувчиларнинг касбий фаолияти тавсифи	5
4.	Таълим дастурини ўзлаштирган битирувчиларнинг умумий ва касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар	6
5.	Ўқув режа тузилмаси ва уларга қўйиладиган талаблар ҳамда битирувчида шакллантириладиган компетенциялар	9
6.	Фармация таълим йўналиши мутахассислик(касб)ларининг ўқув юкламаси	37
7.	Фармация таълим йўналиши мутахассислик (касб)ларининг таълим дастурини ўзлаштиришга қўйилган талаблар ва битирувчиларни баҳолаш.	37

1. Қўлланилиш соҳаси

Мазкур малака талаби Фармация таълим йўналиши мутахассислик(касб)лари бўйича тайёрлашнинг зарурий билимлар мазмунининг мажбурий минимуми ва касбий тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар ва пировард мақсадларини аниқлайди. Таълим олувчиларнинг ўқув юкнамалари ҳажми ва стандарт талабларини бажарилиш назоратини белгилаб беради.

Малака талаби таълим олувчиларнинг касбий тайёргарлиги сифати ва касбий компетенциясини баҳолашда ҳамда таълим муассасаларини аттестациядан ўтказишда асосий мезон ҳисобланади. Мазкур талабларнинг бажарилиши профессионал таълим муассасаларининг битирувчиларига касбий таълимнинг тегишли даражасини олганлиги тўғрисида давлат намунасидаги ҳужжат берилиши учун асос ҳисобланади.

Малака талаби таълимни бошқариш давлат органлари ва таълим фаолияти субъектлари томонидан, идоравий бўйсунуши ва мулкчилик шаклларида катъий назар, тадбиқ этилиши мажбурийдир.

Ушбу малака талаби Фармация таълим йўналиши мутахассислик(касб)ларининг 2020 йил апрелдаги №...-сон билан тасдиқланган профессионал стандарт талаблари асосида ишлаб чиқилди.

2. Касбий таълим хусусияти

Мутахассислик номи: 4.71.05.01-Фармация

Квалификациялар:

1. Дори препаратларини ишлаб чиқариш оператори
2. Дори воситаларини сақлаш, тарқатиш ва таъминлаш бўйича фармацевт ассистенти

Умумий ўрта таълим муассасаларининг 11-синф битирувчилари ҳисобидан шакллантирилган гуруҳларда 2 йиллик.

Мутахассис тайёрловчи ўрта профессионал тиббий таълим дастурининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган битирувчига ўрта профессионал тиббий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги диплом берилади.

2.2. Руҳий-физиологик фазилатлар минимуми: кузатувчанлик, диққатни бир жой қаратиш, фикрни жамлаш, қўл-оёқ ҳаракатини жараёнга мослаштириш, ҳар томонлама тез фикрлаш ва фараз қилиш, ёруғликни сезиш, фаол ва тез хотирлаш, ҳаракат хотираси ва мослашувчанлик.

2.3. Таълимни давом эттириш имкониятлари.

Фармация таълим йўналишининг мутахассислик(касб)лари битирувчиси кейинчалик касбий таълимни чуқурлаштириш мақсадида:

кадрлар малакасини ошириш тизимида, тармоқ ўқув муассасаларида ва махсус курсларида малакани ошириши;

касбий фаолиятнинг тегишли соҳасида янада юқорироқ малакага эриш мақсадида олий таълим муассасасида ўқишни давом эттириши мумкин.

2.4. Ўқишга қабул шартлари.

Ўқишга қабул шартлари амалдаги қонунчилик асосида амалга оширилади.

3. Битирувчиларнинг касбий фаолияти тавсифи

3.1. Битирувчиларнинг касбий фаолияти соҳаси:

- «Дори–дармон» давлат акциядорлик уюшмасига қарашли турли мулкчилик шаклидаги дорихонада;
- тайёр дори-дармонлар, парафармацевтик маҳсулот ва тиббий буюмларини, беморларни парваришда ишлатиладиган буюмларни, санитария ва гигиена буюмларини сотадиган, доривор ўсимликлар ва улардан шарбатлар тайёрлайдиган дорихоналар бўлимларида;
- дорихоналарда дориларни тайёрловчи, даволаш профилактика муассасалари учун дори тайёрлайдиган дорихоналарда;
- лабораторияларда назоратчи-аналитик, тайёр дори воситаларини сотадиган (тарқатувчи) дорихона шохобчаларида;
- дори воситаларини ишлаб чиқариш корхоналарида, тайёр дори воситаларини кадоклаш ва маркировкалаш бўйича оператор лавозимларида олий маълумотли фармацевтлар назорати остида фаолият юритади.

3.2. Битирувчининг мутахассислиги бўйича фаолият объектлари.

3.2.1. Дори воситаларини ишлаб чиқариш оператори малакаси бўйича:

- фармацевтика соҳасидаги ишлаб чиқариш корхоналари;
- доривор ўсимликлар ва улардан шарбатлар тайёрлайдиган бўлимлари;
- дорихона омборхонаси;
- назорат аналитик лаборатория;
- тайёр дори воситаларини кадоклаш ва маркировкалаш бўйича ташкилот ва муассасалар;
- Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

3.2.2. Дори воситаларини сақлаш, тарқатиш ва таъминлаш бўйича фармацевт ассистенти малакаси бўйича:

- «Дори–дармон» давлат акциядорлик уюшмасига қарашли турли мулкчилик шаклидаги дорихона ва уларнинг филиаллари;
- мижоз;
- тайёр дори-дармонлар, парафармацевтик маҳсулот ва тиббий буюмлари;
- беморларни парваришда ишлатиладиган буюмларни, санитария ва гигиена буюмлари;
- доривор ўсимликлар ва улардан шарбатлар тайёрлайдиган дорихоналар бўлимлари;
- дорихона омборхонаси;
- назорат аналитик лаборатория;
- тиббий ҳужжатлар.

3.3. 4.71.05.01 -Фармация таълим йўналиши мутахассислик(касб)лари бўйича таълим олувчи қуйидаги фаолият турларига тайёрланади:

3.3.1. Дори воситаларини ишлаб чиқариш оператори малакаси

бўйича:

- дори воситаларини тайёрлаш;
- аҳолидан ўсимлик дори хом ашёсини қабул қилиш;
- дори воситалари, тиббий буюмлар ва қўшимча материалларни

қабул

- қилиш, қадоғини текшириш;
- тайёрланган дори турлари сифатининг назорати (органолептик);
- буюртмаларни, моддаларнинг физик – кимёвий хоссаларига, асосан сақлаш ва тўплаш;
- ишлаб чиқариш самарадорлигин ошириш бўйича тадбирларда иштирок этиш;
- дори воситаларни тарқатиш учун расмийлаштириш;
- дориларни қадоқлашга бериш ва қадоқловчига жиҳозлаш бўйича

тавсиялар

- бериш;
- иш ўринларида санитария қоидаларига риоя қилиш;
- ўлчов ва механизация воситалар билан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- турли шошилиш ҳолатларда клиник белгиларни билиш ва биринчи

тиббий

- ёрдам кўрсатиш;
- соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва аҳолини тиббий онгини ўстириш.

3.3.2. Дори воситаларини сақлаш, тарқатиш ва таъминлаш бўйича фармацевт ассистенти малакаси бўйича:

- Соғлиқни сақлаш қонунчилиги асослари ҳужжатларини ўрганиш;
- рецепт қабул қилиш;
- аҳолига ва даволаш профилактик муассасалари дорихоналарига дори воситалар, парафармацевтик восита ва тиббий буюмларини тарқатиш;
- аҳолидан ўсимлик дори хом ашёсини қабул қилиш;
- дори воситалари, парафармацевтик восита ва тиббий буюмларини сақлашни ва улар билан таъминлашни ташкил қилиш;
- дори воситалари, тиббий буюмлар ва қўшимча материалларни қабул қилиш;
- қадоғини текшириш;
- буюртмаларни, моддаларнинг физик – кимёвий хоссаларига, асосан сақлаш ва тўплаш;
- дори воситаларни тарқатиш учун расмийлаштириш;
- дори воситаларни қабул қилиш ва жойлаштиришда иштирок этиш;
- рецептсиз сотишга рухсат этилган дори воситалар ва парафармацевтик

тиббий

- ёрдам кўрсатиш;

– соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва аҳолини тиббий онгини ўстириш.

4. Фармация таълим йўналиши мутахассислик(касб)лари таълим дастурининг ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қўйиладиган талаблар.

6.1. Фармация таълим йўналиши мутахассислик(касб)лари битирувчилари умумий компетенциясига қўйиладиган талаблар:

УК-1. Келажакдаги касбининг ижтимоий моҳиятини тушуниш, тиббиёт соҳасининг ўз касбига оид муҳим аҳамиятларини билиш.

УК-2. Ўз фаолиятини ташкил этиш, касбий вазифаларни ечиш усулларини аниқлаш, уларнинг самарадорлигини ва сифатини баҳолаш.

УК-3. Ноанъанавий вазиятларда хавф-хатарни мустақил баҳолаш ва қарорлар қабул қилиш.

УК-4. Касбий ва шахсий ривожланиш ҳамда касбга оид вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ахборотни излаш, таҳлил қилиш ва баҳолашни амалга ошириш.

УК-5. Касбга оид фаолиятни унинг мақсадлари, мазмунларини замон талабига мослаб, замонавий технологиялардан ўринли фойдаланишни амалга ошириш.

УК-6. Лавозим вазифаларни бажариш жараёнлари сифати учун масъулиятни ўз зиммасига олиш ва назорат қилиш.

УК-7. Шахсий ва касбий малакасини ривожлантириш вазифаларини мустақил равишда белгилаш, мустақил таълим олиш билан шуғулланиш, онгли равишда малака оширишни режалаштириш.

УК-8. Ўз фаолиятида аҳоли ҳаётини ҳимоя қилиш ва малакали тиббий хизмат билан таъминлаш.

4.2. Фармация таълим йўналиши мутахассислик(касб)лари таълим дастурини ўзлаштирган битирувчи фаолият турлари бўйича қуйидаги касбий компетенцияларга эга бўлиши керак.

4.2.1. Дори воситаларини ишлаб чиқариш оператори квалификацияси бўйича:

КК-1.1. Инсон ҳаёти фаолиятининг турли ёшлар даврларида асосий қонуниятлари, одам организмидаги физиологик ва патологик жараёнлар ва уларни ҳаёт тарзига таъсири ҳақида тушунчага эга бўлиш.

КК-1.2. Махсулотлар ва моддий бойликларни инвентаризациядан ўтказишни ташкил этиш.

КК-1.3. Дори-дармонларнинг фармакологик хусусиятларини, кўрсатма ва монеликларини билиши.

КК-1.4. Дори-дармонларни тайёрлаш жараёнида иштирок этиш.

КК-1.5. Ўрнатилган тартибда ҳужжатларни юритиш.

КК-1.6. Касбий фаолиятга оид жараён босқичларини амалга ошириш мақсадида юклатилган вазифаларни самарали бажариш учун иш жойини талаб даражасида таъминланишига эришиш.

КК-1.7. Кечиктириб бўлмайдиган холатларда шифокоргача биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш.

КК-1.8. Муассаса ва ташкилот раҳбариятига касбий фаолиятни амалга оширишда юзага келган муаммо ва масалалар ҳақида маълумот тақдим этиш.

КК-1.9. Ўз касбий вазифаларни аниқ ва сифатли бажариш бўйича маълумот олиш, ўрта тиббий ходим ишини такомиллаштириш борасида таклифлар киритиш.

КК-1.10. Аҳолининг турли қатламлари орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича ишларни ташкил этиш.

КК-1.11. Касбий фаолият доирасида ўз ваколатлари, маъсуляти ва зиммасига юклатилган вазифаларнинг қонунчилигини англаш.

4.2.2. Дори воситаларини сақлаш, тарқатиш ва таъминлаш бўйича фармацевт ассистенти квалификацияси бўйича:

КК-2.1. Инсон ҳаёти фаолиятининг турли ёшлар даврларида асосий қонуниятлари, одам организмидаги физиологик ва патологик жараёнлар ва уларни ҳаёт тарзига таъсири ҳақида тушунчага эга бўлиш.

КК-2.2. Махсулотлар ва моддий бойликларни инвентаризациядан ўтказишни ташкил этиш.

КК-2.3. Дори-дармонларнинг фармакологик хусусиятларини, кўрсатма ва монеликларини билиши.

КК-2.4. Дори-дармонларни тўғри сақлаш, тарқатиш ва таъминлаш бўйича билим ва кўникмаларни ўзлаштириш.

КК-2.5. Дорихона истемолчига сифатли дори-дармонлар, тиббиёт жиҳозлари ва беморларнинг парвариши бўйича гигиеник махсулотлар билан таъминлаш ишларини амалга ошириш.

КК-2.6. Рецептсиз бериладиган дори-дармонлар, тиббий жиҳозлар ва бемор парвариши учун зарур гигиеник жиҳозлар рўйхатини билиш.

КК-2.7. Истемолчи талабини ўраганиш ва шу асосида омборга талабнома бериш.

КК-2.8. Истемолчидан қабул қилинган пулларнинг касса операцияси (амалиёти)ни ва пул муомаласи ҳисоботини юритиш.

КК-2.9. Дори-дармонларни тайёрлаш жараёнида иштирок этиш.

КК-2.10. Ўрнатилган тартибда ҳужжатларни юритиш.

КК-2.11. Касбий фаолиятга оид жараён босқичларини амалга ошириш мақсадида юклатилган вазифаларни самарали бажариш учун иш жойини талаб даражасида таъминланишига эришиш.

КК-2.12. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда шифокоргача биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш.

КК-2.13. Муассаса ва ташкилот раҳбариятига касбий фаолиятни амалга оширишда юзага келган муаммо ва масалалар ҳақида маълумот тақдим этиш.

КК-2.14. Ўз касбий вазифаларни аниқ ва сифатли бажариш бўйича маълумот олиш, ўрта тиббий ходим ишини такомиллаштириш борасида таклифлар киритиш.

КК-2.15. Аҳолининг турли қатламлари орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича ишларни ташкил этиш.

КК-2.16. Касбий фаолият доирасида ўз ваколатлари, маъсуляти ва зиммасига юклатилган вазифаларнинг қонунчилигини англаш.

5. Ўқув режа тузилмаси ва уларга қўйиладиган талаблар ҳамда битирувчида шакллантириладиган компетенциялар

Т/р	Фан (модул) номи	Битирувчи ўзлаштириши лозим бўлган билим ва кўникмалар		Шакллантириладиган компетенциялар
		Билимлар	Кўникмалар	
Умумкасбий фанлар блоки				
1.	Касбий фаолиятда рус(ўзбек) тили	<ul style="list-style-type: none"> – ўзлаштирилаётган касбнинг рус(ўзбек) тилдаги терминологияси, атамалари ва ибораларининг маъноси; – рус(ўзбек) тилини касби доирасида ўзаро мулоқот даражаси; – рус(ўзбек) тилдаги норматив ҳужжатларни ўқиб, тушуниш; – ўз соҳасига тегишли бўлган рус(ўзбек) тилдаги матнларни, дастурларни ва йўриқнома (инструкция)ларни ўқиш ва тушуниш. 	<ul style="list-style-type: none"> –ўзлаштирган касби доирасидан рус(ўзбек) тилда мутахассислар билан мулоқот қила олиш; – рус(ўзбек) тилида ёзилган йўриқнома (инструкция)ларни тушуниб, уларни амалда қўллаш ҳамда ўзгаларга тушунтира олиши; – рус(ўзбек) тилидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда ўз касбий маҳоратини ошириш. 	УК-4,УК-7,УК-8.
2.	Касбий фаолиятда хорижий тил	<ul style="list-style-type: none"> – ўзлаштирилаётган касбнинг хорижий тилдаги терминологияси, атамалари ва ибораларининг маъноси; – хорижий тилни касби доирасида ўзаро мулоқот даражаси; – хорижий тилдаги норматив ҳужжатларни ўқиб, тушуниш; – ўз соҳасига тегишли бўлган хорижий тилдаги матнларни, дастурларни ва йўриқнома (инструкция)ларни ўқиш ва тушуниш. 	<ul style="list-style-type: none"> ўзлаштирган касби доирасидан хорижий тилда мутахассислар билан мулоқот қила олиш; – хорижий тилда ёзилган йўриқнома (инструкция)ларни тушуниб, уларни амалда қўллашни ҳамда ўзгаларга тушунтира олиши; – хорижий тилдаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда ўз касбий маҳоратини ошириш. 	УК-4,УК-7,УК-8.
3.	Касбий фаолиятда ахборот технологиялари	<ul style="list-style-type: none"> – касбий йўналтирилган ахборот тизимларида маълумотларни тўплаш, жойлаштириш, сақлаш, айлантириш ва узатиш технологиясидан фойдаланиш; – ўз касбий фаолиятида турли хил дастурий таъминотлардан, жумладан, махсус дастурий таъминотлардан фойдаланиш; 	<ul style="list-style-type: none"> – касбий фаолиятда ахборот ва телекоммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиш; – маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ва тўплаш усуллари; 	УК-4,УК-7,УК-8.

		<ul style="list-style-type: none"> – шахсий компьютерлар ва ҳисоблаш тизимларининг умумий таркиби ва ишлаш тартиби; – автоматлаштирилган маълумотларни қайта ишлашнинг асосий тушунчалари; – компьютер ва телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш. 	<ul style="list-style-type: none"> – касбий фаолият соҳасидаги асосий дастурий таъминот маҳсулотлари ва дастурий пакетларидан фойдаланиш; – ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий усуллари ва методлари. 	
4.	Касбий фаолиятнинг ҳуқуқий аспекти	<ul style="list-style-type: none"> – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий қоидалари; – касбий фаолият соҳасида ҳуқуқий тартибга солиш тушунчаси; – касбий фаолият жараёнида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатлар; – тиббиёт ходимларнинг касбий фаолият соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари; – меҳнат шартномасини тузиш тартиби ва уни тугатиш учун асослар; – фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳуқуқи; – ходимнинг интизомий ва молиявий жавобгарлиги тушунчаси; – маъмурий ҳуқуқбузарликнинг турлари ва маъмурий жавобгарлик; – бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш меъёрлари ва низоларни ҳал қилишнинг суд тартиб-қоидалари. 	–	УК-4,УК-7,УК-8,
5.	Жисмоний тарбия ва спорт	<ul style="list-style-type: none"> – соғлиқни сақлашни ривожлантириш, ҳаёт ва касбий мақсадларга эришиш учун жисмоний маданият ва дам олиш тадбирларидан фойдаланиш; – инсоннинг умумий маданий, касбий ва ижтимоий ривожланишидаги жисмоний маданиятнинг ўрни; – спорт турлари; – соғлом турмуш тарзини шакллантиришда спортнинг тугган ўрни. 	<ul style="list-style-type: none"> – касбий фаолият учун зарур бўлган жисмоний -тайёргарликни таъминлайдиган спорт турларидан машқлар. 	УК-4,УК-7,УК-8.
6.	Фармацевтик терминология ва лотин тили	<ul style="list-style-type: none"> – Лотин тили тарихи. Мутахассисликда лотин тили ва медицина терминологияси фанининг тугган ўрни. – Фонетика. Ҳарфлар ва ҳарф бирикма-лари. 	<ul style="list-style-type: none"> – унли ва ундош ҳарфларнинг, ҳарф бирикмаларининг ўқиш; 	УК-4,УК-7,УК-8.

		<ul style="list-style-type: none"> – Морфология. Юнон тиббий атама-ларида сўз ясовчи кўшимчалар. – Феъл. Рецепттурада қўлланувчи феъллар. – Рецепттура. Рецептнинг тузилиши, шакли ва лотинча қисми. – Отларнинг беш гуруҳда турланиши ҳақида маълумот. 	<ul style="list-style-type: none"> – сўз ясовчи кўшим-чалар ёрдамида тиббий атамалар тузиш; – феълларнинг буйруқ шаклини ҳосил қилиш; – рецепт ёзиш ва таржима қилиш; – тиббиёт атамаларининг ясашиш усул ва шакллари олд кўшимча ва сўз ясовчи кўшимчалар кўшиш, сўзларни бириктириш; 	
7.	Анатомия, физиология ва патология	<ul style="list-style-type: none"> - Анатомия, физиология ва патология фанининг ривожланиш тарихи ва унинг ўрганиш усуллари. - Саломатлик ва касаллик. -----Организмнинг адаптация ва компенсатор мосланиш реакциялари. - Ялиғланиш. - Хужайра, тўқималар. - Суяклар, мускуллар ҳақида маълумот . - Овқат ҳазм қилиш органлари тизими. - Нафас органлари тизими. - Моддалар ва энергия алмашинуви. - Айириш органлари. - Репродуктив органлар тизими. - Ички секреция безлари. - Гомеостаз . - Юрак қон-томир, лимфа тизими. - Асаб тизими . - Сенсор тизими. 	<ul style="list-style-type: none"> - скелетни тана, қўл, оёқ ва бош қисмларга ажратиш; - бош ва бўйин, орқа, кўкрак ва қорин, қўл мушакларини, оёқ мушакларини гуруҳлари ва скелетни таркибидаги суякларини анатомик атлас, муляж, жадвалларда кўрсата олиш; - тинч ҳолатда ва жисмоний машқдан сўнг нафас тезлигини аниқлаш, спирометрияни ўтказиш, фонендоскоп ёрдамида ўпканинг фаолиятини эшитиш; - турли тизимларга қирувчи аъзоларнинг жойлашишини муляж, планшет, жадваллар, фантомларда, анатомик атлас ва ички органлар торсида кўрсатиш; - бармоқдан қон олиш ва суртма тайёрлаш, қон гуруҳларини, резус факторни аниқлаш, қон ивишини аниқлаш, гемограммани таҳлил қилиш; - юрак тонларини фонендоскоп ёрдамида эшитиш, артериал қон босимни ўлчаш ва пульсни санаш; - кўз қорачиғи рефлексини аниқлаш, кўрув ўткирлигини Сивцев жадвали ёрдамида аниқлаш, мавзуга оид расмларни чизиш - 	УК-1,УК- 2,УК-4 УК-7.КК-1.1
8.	Умумий гигиена ва экология	<ul style="list-style-type: none"> – Гигиена ва экология фанининг вазифаси – Ҳаво гигиенаси. 	<ul style="list-style-type: none"> – турар жойларнинг ҳаво ҳароратини ўлчаш ва таҳлил қилиш; 	УК-1,УК-2,УК-3 УК-4,УК-5,УК-6 УК-7,УК-8,КК-1.1

		<ul style="list-style-type: none"> – Тупроқ гигиенаси. Аҳоли яшайдиган жойларни тозалаш. – Сув гигиенаси. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш. – Турар жой гигиенаси. – Овқатланиш гигиенаси. – Шахсий гигиена. Санитария маориф ишини ташкил этиш. – Меҳнат гигиенаси. Касбга алоқадор касалликлар. – Болалар ва ўсмирлар гигиенаси. – Даволаш ва профилактика муассасалари гигиенаси. – Ижтимоий гигиена. Аҳоли саломатлигининг кўрсаткичлари ва статистик текшириш усуллари. – Экологик тарбия ва экологик маданият. 	<ul style="list-style-type: none"> – ҳавонинг йўналиш тезлигини ўлчаш ва таҳлил қилиш; – атмосфера босими, ҳаво намлигини ўлчаш ва таҳлил қилиш; – сувдан кимёвий ва бактериологик текшириш учун синама олиш, унинг органолептик, физик, кимёвий хусусиятларини текшириш; – турар жойнинг санитария текширув схемасини тўлдириш; – озиқ-овқат маҳсулотларидан бактериологик текшириш учун синама олиш; – санитария текширув варақасини тўлдириш; – болалар ва ўсмирларнинг зарарли одатларини, уларнинг саломатлигига таъсири ҳамда олдини олиш чора-тадбирларини олиб бориш; – санитария маориф иши бўйича маъруза тайёрлаш 	<p>КК-1.5, КК-1.6 КК-1.7</p>
9.	<p>Тиббий биология ва одам генетикаси</p>	<ul style="list-style-type: none"> – Одамнинг бисоциал табиати ва унинг биологияси. – Хужайранинг тузилиши ва функциялари. – Турнинг популяцион структураси. – ДНК репликацияси ва унинг аҳамияти. ДНК репликациясида ферментларнинг аҳамияти. – Тиббиёт генетикасининг ривожланиш тарихи, ютуқлари ва ўрганиш усуллари. – Классик генетика асослари. – Ирсиятнинг цитологик ва биокимёвий асослари. – Ирсият ва муҳит. Ўзгарувчанлик қонунлари . – Ирсий касалликлар патологияси. – Тиббиёт генетикасининг текшириш усуллари. – Ирсий касалликлар профилактикаси ва даволаш хусусиятлари 	<ul style="list-style-type: none"> – бириккан ва жинсга боғлиқ ҳолда ирсийланиш бўйича масалалар еча олиш; – ирсий белгилар ва касалликларнинг Г. Мендель ва Т. Морган қонунларига тегишлилигини ажрата билишни монодурагай, дидурагай ва полидурагай чатиштириш бўйича масалалар еча олиш; – қон гуруҳлари, резус – фактор, эпистаз, полимерия, комплементарлик бўйича масалалар еча олиш; – шажара тузишда ишлатиладиган шартли белгиларни ва авлодлар шажарасини тузиш ҳамда уни таҳлил қилиш; – авлодлар шажарасига қараб ирсий касалликларнинг насилланиш типини аниқлаш; 	<p>УК-1, УК-2, УК-4 УК-5, УК-7, КК-1 КК-1.3, КК-1.7</p>

			- ирсий касалликларнинг ген мутацияларига алоқадор турларини аниқлаш усулларини қўллаш	
10.	Тиббиёт психологияси	<ul style="list-style-type: none"> - Умумий ва тиббиёт психологияси асослари. - Рухий жараёнлар. Онг ва унинг хусусиятлари. Онгнинг турли касалликларда бузилиши. - Билиш соҳаси жараёнлари. - Сезги, идрок, хотира, диққат жараёнлари ва уларнинг турли касалликларда бузилиши. - Тафаккур ва нутқ жараёни. Тафаккур ва нутқнинг касалликларда ўзгариши. - Эмоциялар. Эмоция ҳақида тушунча. - Ирода жараёни ҳақида маълумот. Ирода жараёнининг касалликларида ўзгариши. - Шахс муаммолари, характер, мижоз тушунчалари. Бемор шахси ва касаллик. Шахс патологияси. Тиббиёт ходими ва бемор муносабатлари. - Психогигиена, психопрофилактика ва психотерапия ҳақида маълумот. - Тиббиёт ходимлари психогигиенаси. - Тиббиёт ходимлари фаолиятида этика ва деонтология масалалари 	<ul style="list-style-type: none"> - аҳолининг турли қатламлари билан ишлаш жараёнида мулоқат психологиясини қўллаш; - барча турдаги тиббиёт ва даволаш-профилактика муассасаларида мулоқат психологиясини қўллаш; - тиббиёт ходимлари фаолиятида этика ва деонтология қоидаларига риоя қилиш. 	УК-1,УК-2,УК-4 УК-5,УК-7,КК-1.1 КК-1.3
11.	Микробиология ва эпидемиология асослари	<ul style="list-style-type: none"> - микробиология фанининг вазифаларини, фанини ривожланиш тарихи; - микроорганизмлар таснифи; - бактериялар морфологияси, уларнинг ҳужайравий тузилиши; - микроб ҳужайрасида бўладиган физиологик жараёнлари; - бактерияларнинг нафас олиши ва озикланиш ўртасидаги ўзаро боғланиши; - ташқи муҳит омилларининг турларини ва уларнинг микроорганизмларга таъсири; - фагнинг табиатда тарқалиши ва унинг асосий хусусиятлари; 	<ul style="list-style-type: none"> - иммунитет турлари; - вакцина ва зардобларнинг таснифини, уларни ишлатилиши; - анафилаксия, зардоб касаллиги, атопия, сенсibiliзация ва десенсибилизация; - патоген микроорганизмларнинг асосий хоссаси; - патоген микроорганизмлар келтириб чиқарадиган касалликлари. 	Ук-1,УК-2,УК-4 УК-5,УК-8,КК-1.1 КК-1.9

		<ul style="list-style-type: none"> - антибиотиклар таснифи ва уларнинг таъсир этиш механизми; - фаг ва антибиотикларни тиббиётда ишлатилиши; - инфекцион жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари; 		
12.	Ҳамширалик иши техникаси	<ul style="list-style-type: none"> - Ҳамширалик иши ҳақида тушунча. - ДПМнинг асосий турлари, йўналишлари ва тиббий хужжатлар. - Инфекцион назорат, инфекцион хавфсизлик. - Беморларнинг функционал ҳолатини баҳолаш. - Меъда-ичак муаммоларини ечиш. - Соддалаштирилган физиотерапевтик муолажаларни ўтказиш. - Дори моддаларини қўллаш. беморларда ҳаёт учун муҳим бўлган кўрсаткичларни ўлчаш ва функционал ҳолатини баҳолаш; 	<ul style="list-style-type: none"> - ҳамширалик жараёни олиб бориш, парвариш режаларини тузиш ва ҳамширалик хужжатларини юритиш; - инфекцион назорати ва инфекцион хавфсизлик чора – тадбирларини ўтказиш; - терминал даврдаги беморларда ҳамширалик парваришини амалга ошириш 	<p>УК-1,УК-2,УК-3</p> <p>УК-5,УК-8,КК-1.10</p>
13.	Клиник патология ва биринчи тиббий ёрдам	<ul style="list-style-type: none"> - Клиник патология ва биринчи тиббий ёрдам ҳақида тушунча. - Беморларни текшириш ва биринчи тиббий ёрдам бериш қоидалари. - Терминал ҳолат ва реанимация ҳақида тушунча. - Нафас олиш, юрак ва қон-томир, ҳазм, сийдик ажратиш тизимлари аъзоларининг клиник патологияси ва биринчи тиббий ёрдам. - Асаб ва руҳий касалликларда учрайдиган шошилиш ҳолатларда биринчи тиббий ёрдам. -Кўз, кулоқ ва томоқ аъзолари касаллик ва шикастларида биринчи тиббий ёрдам. - Қон кетиш ва жароҳатлар, ёпиқ ва термик шикастлар клиник патологияси, биринчи ёрдам. Ўткир захарланиш ва дори касалликларида биринчи тиббий ёрдам. - Тўсатдан бўладиган бахтсиз ҳодисаларда биринчи тиббий ёрдам. беморларни текшириш ва биринчи тиббий ёрдам бериш; 	<ul style="list-style-type: none"> - нафас олиш, юрак ва қон-томир, ҳазм, сийдик ажратиш тизимлари аъзоларининг клиник патологияси ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш; - асаб ва руҳий касалликларда учрайдиган шошилиш ҳолатларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш; - кўз, кулоқ ва томоқ аъзолари касаллик ва шикастларида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш; - қон кетиш ва жароҳатлар, ёпиқ ва термик шикастлар клиник патологияси, биринчи ёрдам кўрсатиш; - ўткир захарланиш ва дори касалликларида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш; 2. тўсатдан бўладиган бахтсиз ҳодисаларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш 	<p>УК-1,УК-2,УК-3</p> <p>УК-5,УК-8,КК-1.8</p> <p>КК-1.9,КК-1.10</p>

14.	<p align="center">Фавқулотда ҳолатлар тиббиёти</p>	<ul style="list-style-type: none"> - Тинчлик давридаги фавқулотда вазиятлар ҳақида тушунча, уларни келиб чиқиш сабаблари, манбалари, турлари. - Фавқулотда вазиятларда шикастланганларга шифокоргача бўлган тез тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш. - Табиий тусдаги фавқулотда вазиятларда фуқароларга тиббий ёрдамни ташкил этиш. - Техноген хусусиятли фавқулотда вазиятларда фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш. - Ҳалқаро терроризм, тушунчаси турлари, террористик акт содир этилганда аҳоли ҳаракати. - Ўткир заҳарланишлар, ҳайвон тишлаши, илон ва ҳашоротлар чақишида тиббий ёрдамни таъминлаш. - Радиациядан шикастланиш, унинг таърифи, биринчи тиббий ёрдам ва шифокоргача бўлган ёрдам кўрсатиш хусусиятлари. - эпидемия ўчоқларининг тиббий – тактик тавсифи, юқумли касалликлар ўчоқларида эпидемияга қарши санитария-гигиена чора-тадбирлари. 	<ul style="list-style-type: none"> - шахсий муҳофаза воситаларини қўллаш; - оғиз бўшлиғи ва юқори нафас йўллари ҳолатини текшириш, ёт жисмлардан тозалаш; - ўпкага сунъий нафас бериш ва юракни билвосита уқалаш; - қон кетишини вақтинча тўхтатиш; - геморрагик шокда, кардиоген шокда, анафилактик шокда ва талваса синдромида шошилишч тиббий ёрдам кўрсатиш; - касалхонадан ташқарида туғишда аёлларга шифокоргача ёрдам кўрсатиш; - имобилизация қилиш, Крамер, Дитрихс ва бошқа шиналар турларидан фойдаланиш; - узоқ вақт босилиб қолиш (Краш синдромида), травма шокида шошилишч тиббий ёрдам кўрсатиш; - чўкиш, куйиш шокида ва электр токидан жароҳатланганда, шошилишч биринчи ёрдам кўрсатиш; - КТЗМ (аммиак, хлор ва фосфоорганик модда) лардан ва ис газидан заҳарланганда тез тиббий ёрдам кўрсатиш; - террорчилик хавфи юзага келганда, гаровга олинганларнинг ва эгасиз буюмни кўриб қолгандаги ҳаракат қоидалари; - рухий кўзғалишларда тез тиббий ёрдам кўрсатиш; - ўткир заҳарланишда меъдани зондлаш, чайиш; - ҳайвон тишлаганда, илон, чаён ва ари чакқанда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш; - ионловчи нурлардан шикастланишни олдини олиш ва тиббий ёрдам кўрсатиш; - қисман, тўлиқ санитар ишлов ва дезактивация, дегазация ўтказиш; 	<p align="center">УК-1,УК-2,УК-3 УК-5,УК-8,КК-1.8 КК-9,КК-1.10</p>
-----	---	--	---	--

			<ul style="list-style-type: none"> - ўта хавфли инфекцияларда махсус кийимларни кийиш, ечиш ва инфекция манбаларини зарарсизлантириш; - обсервация ва карантин чораларини ўтказиш 	
15.	Валеология	<ul style="list-style-type: none"> - Валеология фанининг тиббиётда тутган ўрни. - Ҳаёт тузилиши, ҳаёт услуби, ҳаёт сифати тушунчалари. - Риторика ҳақида тушунча. - Мулоқат ва унинг турлари, тиббий ходимлар фаолиятида мулоқат олиб бориш кўникмалари. - Санитария маъорифи тушунчаси. - Соғлом турмуш тарзининг оила аъзолари саломатлигига таъсири, унинг таркибий қисмлари. - Диспансер кўриги ҳақида тушунча, унинг мақсад ва вазифалари. - Саломатлик даражасини баҳолаш усуллари. - Рационал овқатланишга қўйиладиган талаблар. - Жисмоний машқлар турлари ва инсон аъзоларига уларнинг таъсири. - Чиниқтиришнинг саломатликка таъсири, асосий коидалари, турлари ва воситалари. - Инсон организмга психоэмоционал ҳолатнинг таъсири. - Балоғатга етмасдан турмушга чиқиш ва ҳомиладор бўлишнинг зарарли оқибатларини ва олдини олиш йўллари. - гиёҳвандлик, тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ва ичкиликбозликни инсон саломатлигига таъсири. 	<ul style="list-style-type: none"> - шифокор-ўрта тиббий ходим, ўрта тиббий ходим-бемор муносабатларидаги муаммоларни ечиш; - мақсадли гуруҳларни аниқлаш, турли аҳоли қатламларини саломатлик даражасига қараб гуруҳларга ажратиш; - аҳоли саломатлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш; - антистресс дастурларни ишлаб чиқиш. 	<p>УК-1,УК-2,УК-3 УК-5,УК-8,КК-1.8 КК-1.9,КК-1.10</p>
16.	Нутрициология	<ul style="list-style-type: none"> - озиқ-овқат маҳсулотларини фармакадинамика хусусияти ва озуқавий, биологик қиймати, овқатланиш ва саломатлик, соғлом овқатланиш мезонлари, овқатланиш физиологияси. Овқатланиш 	<ul style="list-style-type: none"> - озиқ-овқат маҳсулот-ларини фармакадинамика хусусияти ва озуқавий, биологик қиймати, овқатланиш ва саломатлик, соғлом овқатланиш мезонлари, овқатланиш физиоло-гияси. Овқатланиш биохимияси, озиқ-овқат 	<p>УК-1,УК-2,УК-3 УК-5,УК-8,КК-1.8 КК-1.9,КК-1.10</p>

		<p>биохимияси, озиқ-овқат маҳсулотларини микробиологик хавфсизлиги.</p> <p>- турли хил озиқ-овқат маҳсулотларини (гўшт, сут дон маҳсулотларини, сабзовот ва меваларни, овқат толаларини парҳезлик хусусиятлари) турли касалликларда парҳез овқатланиш рационлари, даволовчи профилактика овқатланишга бўлган талаблар.</p> <p>- озиқ-овқат маҳсулотларини санитар-гигиеник ва эпидемиологик хавфсизлиги.</p> <p>-овқатдан заҳарланиш турлари, озиқ-овқат маҳсулотларининг микроорганизм-лар ва уларнинг токсинлар билан зарар-ланиш манбалари</p> <p>-алиментар патологиялар.</p> <p>-биологик фаол ва овқат кўшимчаларни экстерименталь ва токсикологик баҳо-лаш.</p> <p>-генетик модификацияланган маҳсулот-лар.</p> <p>- ДПМ (даволаш-профилактика муасса-саларида), дам олиш масканларида, умумий овқатланиш ошхоналарида парҳез овқатланишни ташкил қилиш</p> <p>-соғлом ва парҳез овқатланиш фаолияти-ни амалга ошириш</p> <p>-соғлиқни сақлашнинг барча тизимларида даволаш-прфилактика ишларини олиб бориш</p> <p>-соғлом ва парҳез овқатланиш тизимида қўлланилаётган илғор замонавий техно-логияларни жорий этиш.</p> <p>-овқат маҳсулотларни фармакодинамик таъсири</p> <p>-ошқозон-ичак касалликларида парҳез овқатланиш асослари</p> <p>-нафас олиш тизими ксалликларида парҳез овқатланиш асослари</p> <p>-юрак-қон томир касалликларида парҳез овқатланиш асослари</p>	<p>маҳсулотларини микробиологик хавфсизлигини таъминлаш</p> <p>- турли хил озиқ-овқат маҳсулотларини (гўшт, сут, дон маҳсулотлари-ни, сабзовот ва меваларни, овқат толаларини парҳезлик хусусиятлари) турли касалликларда парҳез овқатланиш рационлари, даволовчи профилактика овқатланишга бўлган талабларни ўрганиш</p> <p>- озиқ-овқат маҳсулотларини санитар-гигиеник ва эпидемиологик хавфсизлиги.</p> <p>-овқатдан заҳарланиш турлари, озиқ-овқат маҳсулотларининг микроорганизм-лар ва уларнинг токсинлар билан зарарланиш манбаларини билиш</p> <p>-алиментар патоло-гияларни ўрганиш</p> <p>-биологик фаол ва овқат кўшимчаларни экстерименталь ва токсикологик баҳо-лаш.</p> <p>-генетик модификация-ланган маҳсулот-лар.</p> <p>- ДПМ (даволаш-профилактика муасса-саларида), дам олиш масканларида, умумий овқатланиш ошхоналарида парҳез овқатланишни ташкил қилиш</p> <p>-соғлом ва парҳез овқатланиш фаолияти-ни амалга ошириш</p> <p>-соғлиқни сақлашнинг барча тизимларида даволаш-прфилактика ишларини олиб бориш</p> <p>-соғлом ва парҳез овқатланиш тизимида қўлланилаётган илғор замонавий техно-логияларни жорий этиш.</p> <p>-овқат маҳсулотларни фармакодинамик таъсири</p> <p>-ошқозон-ичак касалликларида парҳез овқатланиш асослари</p>	
--	--	---	--	--

		<p>-жигар ва ўт йўли касалликларида парҳез овқатланиш асослари</p> <p>-буйрак ва буйрак йўли касалликларида парҳез овқатланиш асослари</p> <p>-қандли диабет касалликларида парҳез овқатланиш асослари</p> <p>-семизлик, анемия , туберкулез, ўсмалар, эндокрин касалликларини парҳез билан даволаш асослари</p> <p>-соғлом аёлларда ҳомиладорликни олиб бориш</p> <p>-оналар мактаби</p>	<p>-нафас олиш тизими касалликларида парҳез овқатланиш асослари</p> <p>-юрак-қон томир касалликларида парҳез овқатланиш асослари</p> <p>-жигар ва ўт йўли касалликларида парҳез овқатланиш асослари</p> <p>-буйрак ва буйрак йўли касалликларида парҳез овқатланиш асослари</p> <p>-қандли диабет касалликларида парҳез овқатланиш асослари</p> <p>-семизлик, анемия , туберкулез, ўсмалар, эндокрин касалликларини парҳез билан даволаш асосларини билиш</p> <p>-соғлом аёлларда ҳомиладорликни олиб бориш</p> <p>-оналар мактаби ишини ташкил қилиш</p>	
17.	Юқумли касалликлар	<p>-юқумли касалликлар фани вазифалари, ривожланиш тарихини;</p> <p>-юқумли касалликларни келиб чиқиш сабаблари, юқиш йўллари ва аҳоли ўртасида тарқалишини олдини олиш чора-тадбирларини;</p> <p>-инфекцион жараён ва инфекцион назорат ҳақида тушунча, юқумли касалликлар таснифи ва белгиларини;</p> <p>-ичак инфекцияси касалликларининг этиологияси ва эпидемиологияси, юқиш йўллари, касалликнинг ривожланишига олиб келувчи омиллар;</p> <p>-касалхона ичи инфекцияси сонини камайтириш ва назорат қилиш;</p> <p>-касалликларнинг сабаблари ва клиник белгилари, уларни олдини олиш чора-тадбирларини;</p> <p>-лаборатор текшириш усуллари ва текшириш учун материал олишни;</p> <p>-беморни даволаш принципларини;</p>	<p>-шифохонада инфекция назоратини ўтказишни; беморни биринчи санитария назоратидан ўтказишни;</p> <p>-жорий ва профилактик дезинфекция ўтказиш ва унда тиббий техника хавфсизлиги технологиясидан фойдаланишни;</p> <p>-инфекцион касалликлар билан оғриган беморларни шифохонага қабул қилиш ва тиббий ҳужжатларни (шакл–058) тўлдиришни;</p> <p>-профилактик эмлаш таквимини ўрганишни; эмлаш учун ишлатиладиган препаратларни қўллаш, режали эмлашни ташкил этиш ва ўтказиш қодаларини ўрганишни;</p> <p>ҳимояловчи кийимни қўллаш ва халат кийишни; бемордан клиник ва эпидемиологик анамнез йиғишни;</p> <p>оғиз орқали регидрон эритмасини юборишни; ботулизмга қарши зардоб юборишни;</p>	УК-1,УК-2,УК-3 УК-5,УК-8

		<p>-инфекция ўчоғида эпидемияга қарши ўтказиладиган чора-тадбирларни; - безгак, геморрагик иситмаларда инфекцион назоратни; -ОИВ инфекцияси ҳақида замонавий маълумотларни, юкиш йўллари; -ОИТС клиникаси ва белгилари, ташҳисот усуллари ва давоси; - ОИТС оқибатлари ва профилактика чоралари, ОИТС/ОИВ инфекциясида инфекцион назоратни; -тиббий ходимларининг касбий зарарланишини олдини олиш; -махсус профилактика мақсадида вакцина ва гаммаглобулинни юбориш схемаси; -касалликни олдини олиш чора-тадбирлари, эпидемик ўчоқларида инфекцион назорат тадбирларини ўтказиш; -протозой касалликларининг этиологияси, эпидемиологияси, клиник белгилари, ташҳисоти, давоси ва олдини олиш чора тадбирлари ва инфекцион назоратни; -гельминтоз касалликларининг этиологияси, эпидемиологияси, клиник белгилари, ташҳисоти, давоси ва олдини олиш чора тадбирлари ва инфекцион назоратни; -ўлат эпидемиялари ҳақида тушунчани, ўлат касаллигини этиологияси, эпидемиологиясини; -ўлат ва бруцеллёз касаллигининг тарқалиш сабаблари, клиник белгилари ва ташҳисоти, олдини олиш чоралари ва инфекцион назоратни ;</p>	<p>инфекция ўчоғида эпидемияга қарши чора-тадбирларни, жорий ва яқуний зарарсизлантиришни ўтказишни; бемордан 30-шаклга нажас олиш ва эҳтиёт чораларини кўришни; томоқ–шиллик пардасини кўздан кечиришни; гриппга қарши эмлашни; буғилишда (крупда) биринчи ёрдам беришни; қулоқ олди сўлак беzi, лимфа тугунларини пайпаслаб кўришни; эпидемик шаротитда иссиқ қуруқ боғлам кўйишни; беморда менингеал симптомлар (Керниг Брудзинский симптоми) аниқлашни; Манту синамасини кўйишни; гипертермик синдромда тез тиббий ёрдам кўрсатишни; тиббий ускуналарни стерилизациядан олдинги ишловини ва стерилизация ўтказишни; талваса пайтида беморга тиббий ёрдам кўрсатишни; профилактик ва шошилиш равишда қоқшолга қарши эмлаш, антирабик вакцина ва гаммаглобулин қўллашни; хайвон тишлаган одамларнинг жароҳат яраларини бирламчи жарроҳлик тозаловидан ўтказишни; перианал бурмаларидан қирма олишни; касаллик ўчоғида ўтказиладиган чора – тадбирларни амалга оширишни; таҳлилга материал олишда инфекцион назоратни ўтказишни; зардоб юбориш техникасини амалга оширишни;</p>	
--	--	---	---	--

			бруцеллѐз касаллигини олдини олиш ва ўчоқдаги чора–тадбирларни ўтказишни;	
18.	Бизнесни ташкил этиш ва юритиш	-	-	
Дори препаратларини ишлаб чиқариш оператори Махсус фанлар				
19.	Органик кимѐ	<ul style="list-style-type: none"> - кимѐ фанининг тиббиѐтда тутган ўрнини, органик ва анорганик кимѐ хусусиятларини; - органик моддалар тузилиши ва синфланишини; - углеводородлар ва уларни турлари, хоссаларини; - углеводородларни галогенли ҳосилаларини; - кислородли органик бирикмалар ва уларнинг турларини; - азотли органик бирикмалар хоссаларини; - гетероциклик бирикмалар хоссаларини; 	<ul style="list-style-type: none"> - углеводлар ва уларнинг турларини; - оксиллар ва ѐғлар ҳақида тушунчани; - терпеноидлар ва алкалоидларни хоссаларини <i>билиши</i>; - углеводородлар хоссаларига оид кимѐвий реакция тенгламаларини ѐза олишни; - спиртлар ва органик кислоталарга оид кимѐвий реакция тенгламаларини ѐза олишни; -тиббиѐтда ишлатила-диган органик моддалардан олинадиган дори моддаларни кимѐвий формуласини ѐза олишни 	УК-1,УК-2,УК-3 УК-5,УК-8,КК-1.8 КК-1.9,КК-1.10
20.	Аналитик кимѐ	<ul style="list-style-type: none"> - аналитик кимѐ фани тўғрисида қисқача маълумот ва фаннинг вазифаларини; - сифат анализи усуллари, катион ва анион классификацияси, хусусий ва гуруҳ реактивларини; - анализда ишлатиладиган сифат реакциялари, анализ тартиби ва уларни бажариш, хусусий модда анализ тартибини; - эритмаларнинг турлари, масса қисм, яъни процент концентрацияси, моляр ва нормал концентрациясини; -эритмалар концентрациясини ифодалаш усуллари, формула-лар буйича ҳисоблашларни; - оксидланиш – қайтарилиш реакция турлари, оксидланиш – қайтарилиш реакцияларни электрон баланс усулида тенглаштириш; - катион, анион группасини аниқлаш, натижалар асосида номаълум моддаларни топишни; - микдор анализи моҳияти ва усулларини; 	<ul style="list-style-type: none"> фотоэлектроколориметр эритма-даги модда концентрациясини аниқлашни <i>билиши</i>; - анализ учун зарур жиҳозлардан тўғри фойдаланиш, гуруҳ ва хусусий реактивларни тўғри танлаш ва улардан фойдаланишни; - реакцияларнинг томчи ярим мик-ро усул ва микро кристаллоскопик усулларини тўғри бажара олиш, анализдаги сифат реакцияларнинг тенгламаларини молекуляр, ионли ва қисқартирилган ионли тенгламаларини туза олишни; - сифат реакциялари ўтказиш ва уларни таҳлил қилишни; - анализ жараѐнини ораста ва аниқ бажариш, тажрибалардан олинган натижалардан тўғри хулоса чиқариб, расмийлаштиришни; 	УК-1,УК-2,УК-3 УК-5,УК-8,КК-1.8 КК-1.9,КК-1.10

		<p>- гравиметрик анализнинг умумий қоидаларини, чўкти-риш шароитлари, гравимет-рик анализда ишлатиладиган аппаратлар ва идишлар, гра-виметрик анализнинг муҳим вазифалари, чўктириш, филтрлаш, қуритиш, навес олиш, анализ натижаларини тўғри ҳисоблаш, титрланган эритмаларни тайёрлашни;</p> <p>- ҳажмий анализ моҳияти, эритмаларини тайёрлаш, титриметрик анализ усуллари, миқдорий анализдаги асосий ҳисоблаш формулаларини;</p> <p>- ўлчов асбоблари: макро ва микробюреткаларда ишлаш-ни;</p> <p>-оксидиметрия усуллари, перманганометрия усули, мор тузи таркибидаги темир (II) миқдорини аниқлашни;</p> <p>-йодометрия усули, натрий тиосульфатнинг титрланган ишчи эритмасини тайёрлаш-ни;</p> <p>- броматометрия усули, моҳияти, титрланган эритмаларни тайёрлаш, назорат эрит-мадаги стрептоцид миқдори-ни аниқлашни;</p> <p>- нитритометрия усули, нат-рий нитрит ишчи эритмасини тайёрлаш, стрептоцид миқдорини аниқлашни;</p> <p>- чўктириш ва комплекс ҳосил қилиш усулларининг моҳия-тини;</p> <p>- аргентометрик усуллари, Фольгард усулининг моҳия-тива натижаларни ҳисоблашни;</p> <p>-комплексометрия усули-нинг моҳияти, комплексон-III ни кимёвий ҳоссаси, комплексометрия усулини тиббиёт-да ахамиятини;</p> <p>- хроматография усули моҳи-яти, фотометрия усули моҳи-ятини флюорометрия усули стандарт эритмаларини тайёрлаш ва анализнинг физик – кимёвий асосларини;</p>	<p>- хусусий моддани текшириш эталон эритма тайёрлаш, таққослаш усули билан сифат ва миқдорини аниқлашни;</p> <p>- катион ва анион гуруҳи реактив-лари билан ишлаш, натижалар асосида номаълум моддани аниқлаш, лаборатория жиҳозлари ва асбобларидан фойдаланишни;</p> <p>- аналитик ва электрон тарозилар-ни ишлатиш, қиздириш ва куйди-риш асбобларидан фойдаланиш, доимий оғирликка келтириш, анализ натижаларини тўғри ҳисоблашни;</p> <p>- ўлчов асбоблари: макро ва микро бюреткаларда ишлаш, эритма тайёрлаш ва тегишли ҳисоблаш-ларни бажара олиш, титрлаш тартиби, тузатиш коэффициенти нормаллиги ва титрини аниқлаш-ни;</p> <p>- пермангонометрия усуллари, натрий тиосульфат эритмасини тайёрлаш, индикатор крахмал эритмасини тайёрлаш, калий дихромат эритмаси бўйича тио-сульфат эритмасини титрлашни;</p> <p>- мис (II) сульфат таркибидаги мис миқдорини аниқлаш, йод эритма-сидаги эркин йодни аниқлаш, модда таркибини миқдор жиҳатдан аниқлашни;</p> <p>-назорат эритмасидаги стрептоцид миқдорини аниқлаш, ишчи эрит-маларини тайёрлаш, титрлаш техникаси, эквивалент нуқтани аниқлаш, индикатор танлашни;</p> <p>- нитритометрик аниқлашдаги ҳисоблашлар, чўктириш усулла-рини ажрата олиш, аргентометрия усули ва аниқлаш техникасини мор усули бўйича аниқлашни;</p> <p>- Фольгард усули бўйича аниқлаш, фаянс усули бўйича аниқлаш; индикаторлар танлашни;</p>	
--	--	---	--	--

			<ul style="list-style-type: none"> - эритмалар тайёрлаш, комплек-сонларни ажрата билиш, комплек-сонометрик титрлаш шарти ва техникаси, комплексонометрик индикаторларни ажрата олишни; - буфер эритмасини тайёрлаш тартиби, назорат эритмани титрлаш ва натижаларни ҳисоблашни; - фотоэлектроколориметр эритмадаги модда концентрациясини аниқлаш, анализга эритмалар тайёрлашни мустақил бажариши кўникмаларига эга бўлиши керак. 	
